

Азиз авлиёлар ҳаётига назар (биринчи мақола)



06:00 / 02.05.2023 4230

Ушбу мақола Наманган шаҳрида туғилиб ижод қилган, Нақшбандия тариқатининг пири комили, олим ва мутасаввиф шоир сифатида танилган Абдулазиз Ҳасанхўжа ўғли Мажзуб Намангоний ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган.

Калит сўзлар: Дегрезлик даҳаси, Абдулазиз Мажзуб, Халифа Ҳусайн, Нақшбандия тариқати, жаҳрий зикр, адабий ва маданий мерос, Гумбаз масжиди.

Қадим Мовароуннаҳр диёри ҳақиқатда ҳам фахрланса ва ғурурланса арзийдиган забардаст уламоларни етиштириб чикарди. Бу муборак зотларнинг қолдирган бой адабий – илмий мерослари ва қадриятлари биз авлодлар учун бебаҳо хазинага айланди. Ўз навбатида, бу маданий мерослар келажагимиз бўлган баркамол ёш авлодни Ватанга, халққа, қадриятимизга муҳаббат руҳида тарбиялашда ғоят муҳимдир. Адабиётимиз тарихига назар солсак, тасаввуф маслаги билан боғлиқ ижодкорлар кўп. Бироқ ҳам шоир, ҳам тариқат пешвоси сифатида машҳур бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермаган. Абдулазиз Мажзуб Намангоний адабий – илмий мероси шу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳаёти

Абдулазиз Ҳасанхўжа ўғли Мажзуб Намангоний нақшбандия тариқатининг пири комили, атоқли мутасаввиф шоир, олим ва мударрис сифатида танилди. Мажзуб ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири бўлиб, таваллуд санаси маълум эмас. У, тахминан 18-чи асрнинг иккинчи ярмида туғилган. Баъзи маълумотларга кўра, туғилган жойини Қўқон, айримларида Қарши, бошқа маълумотларда эса Наманган шаҳрининг Дегрезлик (ҳозирги – Сумалак гузари) даҳасида дунёга келган, келтирилади.

Унинг ота томондан боболари Абдурахмон. Она томондан боболари эса қози Юсуф бўлиб, улар 18 - асрларда яшаган Нашқбандия – мужаддидия сулукиниг йирик вакили Мусохон Даҳбедийнинг муридларидан бўлишган.

Пири муршид ва устозлари

Абдулазиз дастлабки билимни отаси Ҳасанхўжа (кичик)дан олади. Сўнгра Мавлавий Намангоний номи билан машҳур Мулла Хўжа Намангоний ва Зокирхўжа эшон (Шайх ул-ислом Намангоний)ларда таҳсилни давом эттиради.

Кейинчалик Эшон Мажзуб маълум муддат Бухоро ва Самарқанд, ҳамда Қарши ва Қўқон шаҳарларида сафарда бўлиб, у ернинг олиму фузалолари бўлмиш Халифа Муҳаммад Амин, Халифа Мир, Халифа Мирзо Бобобек, Халифа Эшмуҳаммад ва Халифа Эшони Қарший, ҳамда Халифа Ҳусайн Бухорийлардан шариат кўрсатмалари ҳамда тариқат одобларини ўрганиб, илму ирфонда камолга етади. Маълум бўлишича, Халифа Ҳусайн даргоҳидан бир вақтнинг ўзида 3 кишига иршоднома яъни (йул – йуриқнома, диплом, йўлланма) битиб берилган бўлиб, улар: Хўжа Дониёр Эшон, Мажзуб Намангоний ҳамда Халифа Абдусаттор Бухорийлардир. Бироқ, буларнинг ичида фақатгина Абдулазизга 4 сулукка яъни, нақшбандия, қодирия, ишқия, мавлавия тариқатларидан таълим бериб, мурид тарбиялаш ҳуқуқи берилган.

Маълум вақт ўтиб, Эшон Мажзуб Наманганга кайтиб келади. Орадан кўп вақт ўтмай, она юрти Наманганда унинг ихлосмандлари кўпайиб, пири комил бўлиб танилди.

Муридлик мақомлари

Мажзуб Намангоний худди Машраб каби оташқалб, оташнафс ва қайноқ жазбали шоир бўлган. У «Мажзуб» тахаллуси билан шеърлар ва байтлар ёзди. Ушбу тахаллусни унга устози Халифа Хусайн қўйган экан. Мажзуб – жазбали, ҳайратланган, жазавалий, девоно маъноларига эга.

«Тасаввуфда бу атама «Аллоҳдан жазба – илоҳий муҳаббат берилган ёки қалбига Аллоҳ муҳаббати солинган», деган маъноларни англатади».

«Демак, Мажзуб – жазава соҳиби, Аллоҳнинг зоти ва сифатини бутун вужуди билан севувчи, дунёда доимо ишқли ва дардли инсонларни изловчи, уни топса бор-йўғини нисор этувчи, Аллоҳ севмаган нарсаларни бутун онг-шуури билан ёмон кўрувчи ориф инсондир.

Ривоят қилишларича, ёз кунларнинг бирида халифа Хусайн муридлари билан дала йулидан хуфя зикр ила машғул бўлиб кетаётган эканлар. Баногоҳ, бир ариқчага дуч келибдилар. Ариқчадан ҳатлаб ўтишаётганда Абдулазиз «хув» деб юборибди. Устози халифа Хусайн: «Халқумни бўшатинг, Абдулазиз!» деб хитоб килибдилар. Абдулазиз жаҳрий «хув Аллоҳ, хув Аллоҳ» деб зикрини давом этибди. Шу кундан бошлаб Абдулазиз зикри хуфёнадан, зикри жаҳрияга ўтибди. Бошқа муридлари пири муршиддан «Нега Абдулазизга жаҳрияга ижозат бердингиз?» – деб сўрашибди.

Устоз: “- Агар жаҳрияга рухсат бермаганимда унинг дили куйиб, ҳалок бўларди”, деб жавоб берган экан. Бу усулни кейинчалик Абдулазизнинг ўзи ҳам муридларига қўллаган. Аввало пир ҳар бир муридга хуфя зикр айтишни буюради. Аммо мурид бунга сабр эта олмаса, ошкора зикрга ижозат беради».

Мурид ва халифалари

Эшон Мажзуб Нақшбандия тариқатининг қутубуз- замони, пири муршиди, шайхулисломи бўлганликлари сабаб, у кишининг муридлари ва мухлислари ҳамда халифалари уч хонлик худудларида жуда кўпчилик бўлган. Улардан:

Абул Қосим Махзум (Мажзубнинг ўғли).

Абдулкарим Махмур коразий (1820 – 1876).

Хўжа Саййид Аҳмад (1800 –1890).

Муҳаммад Ҳакимхон Махзум (1815-1896).

Абул Қосим Махзум (Ҳаким халифанинг укаси).

Халифа ҳожи Муҳаммад Эшон (1836 -1922).

Халифа Мулла Йўлдош (Сиримтой).

Мулла Холмуҳаммад Чустий.

Халифа Бекмурод.

Абдулазиз Мажзубнинг муридларидан бири Махмур (Абдулкарим Қоразий) тахаллусли шоир «Дар баёни маноқиби Эшон Мажзуб» сарлавҳали мураббаъ кўринишида марсия битган. Унда Мажзубнинг инсоний хислатлари, авлиё ва пиру муршидлиги, Аллоҳ йулида борини берувчи, орифи биллоҳ инсонлигини ва Мажзубнинг вафоти олдидан зикр чоғидаги охирги сўзи «ҳув Аллоҳ» бўлганини эҳтирос билан келтиради. Қуйида мазкур мураббаъни энг муҳим жиҳатларини келтириб ўтамиз.

Маъно дуррининг кони –

Мажзуби Намангоний,

Ошиқ элининг жони –

Мажзуби Намангоний.

Олам элига сарвар

ҳам муршид, ҳам раҳбар.

Бешак, валий эдилар

Мажзуби Намангоний.

Тариқат сўзин очган

Маърифат донин сочган.

Ҳақиқат майин ичган

Мажзуби Намангоний.

(давоми бор)

Акрам Шарипов, тадқиқотчи.